


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 1 январь, № 1 (9172) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Қадрли ватандошларим!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни кириб келаётган янги 2026 йил билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ўтиб бораётган йил халқимиз ҳаётида катта ўзгаришлар, эртанги кунга мустаҳкам ишонч ва улкан натижалар йили бўлди.

Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, биз ўз олдимизга қўйган барча мақсад ва марраларга эришдик. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ҳажми илк бор 145 миллиард доллардан ошди ва мамлакатимиз ўрта даромадли давлатлар қаторидаги ўрнини мустаҳкамлади.

Иқтисодий ўсиш самараси одамларимиз ҳаётида, оилалар даромадида, маҳаллалар қиёфасида, ёшларимизнинг келажакка бўлган ишончида яққол намоён бўлмоқда.

Ўтаётган йилда ҳар бир оила, ҳар бир хонадонда хурсандчиликлар, бахтли онлар кўп бўлди.

Янги уйга кўчиб кирган, ўз бизнесини йўлга қўйган ёки кенгайтирган, даромади ошган, илм-фан, спорт, маданият ва бошқа соҳаларда ўзи ёки фарзандларининг ютуқларидан қувонган миллионлаб оилаларнинг шодлиги 2026 йилдаги мақсадларимизга эришиш йўлида бизга албатта катта куч беради.

Азиз юртдошларим!

Биз келгуси йилда ҳам ҳар бир оиланинг бахтли, фаровон ва соғлом ҳаёт кечириши, ёшларимизнинг сифатли таълим олишлари, келажак касбларини эгаллашлари ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун янги-янги имкониятларни ишга соламиз!

Биз 2026 йилни **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”**, деб эълон қилдик.

Янги йилда минглаб маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаб, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кирамиз.

Барча иқтисодиёт тармоқларини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказамиз. Халқимизнинг даромади ва харид қобилиятини ошириш ишларини янада жадаллаштирамиз.

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, муҳтарам кексаларимиз, қадрли хотин-қизлар ва навқирон ёшларимизни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз.

Экологияни яхшилаш, “яшил” энергетикани ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича таъсирчан чораларни давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, янги 2026 йилда ҳам барча ислоҳотларимиз, саъй-ҳаракатларимиз одамларимиз яхши яшаши ва бизнес учун энг қулай шароитларни яратишга қаратилади.

Тажрибали маҳалла раислари ва фаоллари, зиёлилар, тадбиркорларимиз, серғайрат ёшларимиз, кенг жамоатчилигимиз, ҳар бир ватандошимиз ушбу олийжаноб ишларга муносиб ҳисса қўшади деб ишонаман!

Азиз ватандошларим!

Янги йил арафасида ҳар бир оила яхши ниятлар қилади, ҳар бир инсон қалбида ёрқин орзу-умидлар жўш уради.

Ҳар биримизнинг пок ниятларимиз, эзгу мақсадларимиз 2026 йилда албатта амалга ошсин!

Янги йил ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қут-барака, юртимизга юксак тараққиёт, тинчлик-хотиржамлик олиб келсин!

Яратган Парвардигор Ватанимизни асрасин, халқимиз ҳаётини янада яхшилаш йўлидаги ишларимизда мададкор бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин, азизларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Кириб келаётган янги 2026 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, парламентлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, етакчи молиявий институтлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат ва дин арбобларидан самимий табрик ва тилаклар келмоқда.*

*Қутловларда Президентимиз раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берилган. Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеи ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб боришига хизмат қилаётган проактив, очиқ ва прагматик ташқи сиёсатнинг самаралари алоҳида қайд этилган.*

*Хорижий ҳамкорлар Ўзбекистон етакчиси ва кўп миллатли халқига янги йилда тинчлик-осойишталик, бахт-саодат, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва равнақ тилакларини изҳор этмоқда.*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Янги йил байрами муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилинг.

Ўтаётган йил Россия — Ўзбекистон алоқалари учун жуда муваффақиятли бўлди. Давлатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда, МДҲ, ШҲТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Москва ва Тошкент ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини дўст халқларимиз фаровонлиги, минтақавий ва халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришимизга ишонаман.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, оилангиз ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Владимир ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Кириб келаётган янги 2026 йил муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз!

Сизга битмас-туганмас куч-ғайрат, оилавий фаровонлик ва қардош Ўзбекистон халқининг равнақи йўлидаги масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда янги зафарлар тилайман!

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман.

Ўтган йил Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларининг амалий мазмунини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йили бўлди.

Ишончга асосланган сиёсий мулоқотнинг юқори даражаси ва эришилган келишувлар икки мамлакатнинг стратегик шериклигини янги босқичга кўтарди.

Ишончим комилки, келгуси йилда ҳам кўп қиррали ҳамкорлигимиз дўстлик ва ўзаро ишонч асосида, қардош халқларимизнинг тинчлиги ва бардавом фаровонлигини таъминлашга қаратилган ҳолда муваффақиятли ривожланишда давом этади.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош ўзбек халқига эса тинчлик-осойишталик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Садир ЖАПАРОВ,**
**Қирғиз Республикаси Президенти**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қадрли Шавкат Миромонович!

Сизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман!

Шу муносабат билан Сизга ва Сизнинг яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаровонлик, биродар Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик, барқарорлик ва янада изчил тараққиёт тилайман.

2025 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари юқори суръатни сақлаб қолгани ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил ривожланишга қаратилган янги қўшма қадамлар билан нишонланганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Ишончим комил, кириб келаётган 2026 йилда ҳам давлатларимизнинг самарали ҳамкорлигини янги амалий мазмун билан бойитамиз.

Стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳидаги ишончли давлатлараро мулоқотни давом эттиришдан мамнун бўламан.

Ҳурмат билан,

**Эмомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизни кириб келаётган янги 2026 йил билан чин қалбимдан табриклайман! Халқаро майдонда шериклик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган эзгу ишларингизда Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайман. Янги йил мамлакатингиз халқига фаровонлик ва равнақ олиб келсин.

Ҳурмат билан,

**Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!

Кириб келаётган янги 2026 йил муносабати билан самимий табрикларимни йўлламоқдаман. Сизга чин дилдан мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва бахт-саодат тилайман. Янги йилда бошлаган барча ишларингиз муваффақиятли бўлсин!

Ҳурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркман халқининг миллий етакчиси,**
**Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Қадрли қардошим!

Сизни ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2026 йил билан самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимни йўллайман.

2025 йил Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳим ва муваффақиятли йил бўлди ва бу даврда икки томонлама кун тартибимиз унутилмас воқеалар билан бойиди. Якунига етаётган йилда Сиз Озарбайжонга ҳам давлат, ҳам икки марта амалий ташриф билан келдингиз. Менинг гўзал мамлакатингизга амалий ташрифим, шунингдек, бошқа бир қатор халқаро тадбирлар доирасидаги кўплаб учрашувлар давлатлараро муносабатларимизнинг юқори даражадаги жадаллиги ва ўзига хослигидан далолат беради. Ўзаро қатъий ишонч ва қўллаб-қувватлашга асосланган муносабатларимиз кун сайин чуқурлашиб, ҳар томонлама ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётганини кўришдан хурсандман.

Ишончим комилки, биргаликдаги изчил саъй-ҳаракатларимиз туфайли қардош халқларимиз иродасига мувофиқ 2026 йилда Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари ва иттифоқимиз янада кенгаяди ва мустаҳкамланади.

Жорий йилда биз Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини ҳам нишонладик.

Янги йилда Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, масъулиятли ва шарафли давлатчилик фаолиятингизда муваффақиятлар ва янги ютуқлар, қардош Ўзбекистон халқига эса доимий тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбайжон Республикаси Президенти**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Янги йил байрами муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилинг.

2025 йил Беларусь — Ўзбекистон муносабатларига сезиларли суръат бахш этган, ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликнинг янги истиқболларини очган ёрқин воқеаларга бой бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги самимий дўстлик ва ишончли шериклик халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига ишончим комил.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистонга эса тинчлик, тотувлик ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларусь Республикаси Президенти**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўтаётган йил билан хайрлашар эканмиз ва янги йилни кутиб олар эканмиз, Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Янги 2026 йил давом этаётган зиддиятларни енгиб ўтиш ва умумий мақсадимиз — халқларимизнинг янада тинч, барқарор ва хавфсиз келажаги сари интилиш йўлида мулоқот ва ўзаро англашувга асосланган биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ва конструктив ҳамкорлигимизни фаоллаштиришга бўлган қатъий интилишнинг тимсоли бўлсин.

Келгуси йилда икки томонлама муносабатларимиз мустаҳкамланишига, янада яқин ҳамкорлик ривожланишига ва икки дўст халқ фаровонлиги йўлида сезиларли натижаларга эришилишига умид қиламан.

Ҳурматли Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни ҳамда бутун дунё халқлари учун тараққиёт ва фаровонликка тўла йил бўлишини тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилгайсиз.

Чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан.

Янги йил муборак!

**Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,**
**Миср Араб Республикаси Президенти**

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 1 январь

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Кириб келаётган янги 2026 йил муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда мамлакатингиз халқини чин қалбимдан муборакбод этаман.

Умид қиламанки, келгуси йилда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан тинч-тотув яшаш ва адолатли ҳамкорлик тамойилларига таянган ҳолда бугунги нотинч дунёда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитларни ярата оламиз.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикаси халқига эса бахт-саодат, фаровонлик ва равнақ тилайман.

**Масъуд ПЕЗЕШКИЁН,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти**



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Янги йил кириб келиши муносабати билан Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, мазмунли ва файзли янги йил тилаб, ўзимнинг самимий истакларимни йўллайман.

Умид қиламанки, биргаликдаги ишонч ва қатъиятга асосланган саъй-ҳаракатларимиз билан хавфсиз ва тинч келажак йўлида олдимизда турган вазифаларни амалга ошира оламиз.

Ҳурмат билан,

**Фридрих МЕРЦ,**
**Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери**



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент Жаноблари!

Кириб келаётган янги йил муносабати билан Польша халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларига энг самимий тилакларимни йўлламоқчиман.

2026 йил дунёдаги можароларга барҳам бериб, тинчлик, барқарорлик ва тотувлик даври бўлсин.

Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Ҳурмат билан,

**Кароль НАВРОЦКИЙ,**
**Польша Республикаси Президенти**



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўтган йили бўлиб ўтган мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик ришталарига асосланган алмашинувлар учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Умид қиламанки, 2026 йилда дўстлигимиз янада мустаҳкамланиб, ҳамкорлигимиз янада кенгаяди.

Шунингдек, мамлакатларимиз бундан буён ҳам тинчлик ва фаровонлик йўлида глобал миқёсда самарали ҳамкорлик қилишига ишонч билдираман.

Сизга бардавом муваффақиятлар, мамлакатингизга эса барқарор тараққиёт ва янада юксалиш тилайман.

Кириб келаётган янги йил муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

**Ли Чжэ МЁН,**
**Корея Республикаси Президенти**



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Милодий янги 2026 йил кириб келиши муносабати билан Сизга, Жаноби Олийларига, самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни билдиришдан бағоят мамнунман.

Ушбу янги йил бутун инсоният учун хайрли бўлиб, хавфсизлик ва тинчлик ҳукм суриши, бутун дунё халқларига фаровонлик олиб келишини тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, икки дўст давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги алоқалар янада ривожланишини тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-САБОҲ,**
**Кувайт Давлати Амири**

### *Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон Назарбоев**;

Европа кенгаши Президенти **Антониу Кошта**;

Германия Федератив Республикаси Федерал президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер**;

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири **Кир Стармер**;

Италия Республикаси Президенти **Сержо Маттарелла**;

Испания Қироли **Филипп VI**;

Словения Республикаси Президенти **Наташа Пирц Мусар**;

Венгрия Президенти **Томаш Шуйок**;

Латвия Республикаси Президенти **Эдгарс Ринкевичс**;

Литва Республикаси Президенти **Гитанас Науседа**;

Хорватия Республикаси Президенти **Зоран Миланович**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;

Япония Бош вазири **Санаэ Такаичи**;

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Теббун**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;

Мьянма Иттифоқи Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи **Мин Аун Хлайн**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид ал-Мактум**;

Ўмон Султонлиги Бош вазири ўринбосари **Фаҳад ал-Саид**;

Сингапур Республикаси Бош вазири **Ли Сянь Лун**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Нурлан Ермекбаев**;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бош котиби **Сергей Лебедев**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Асад Хон**;

БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари **Каха Имнадзе**;

Жаҳон банки президенти **Ажай Банга**;

Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси президенти **Жанни Инфантино**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

## Акс садо

# ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ ВА ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ — ОЙДИН КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасини ушбу нуфузли тадбир ўтказилган залда тўғридан-тўғри тинглаш бахтига муяссар бўлганим қалбимдаги ҳаяжонни юз чандон оширди. Анжуманда иштирокчилар кайфияти, муҳит шу қадар кўтаринки эдики, олган таассуротларимиз хотирамизга бир умрга муҳрланди, десак, муболаға эмас.*

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари томонидан ўтган тўққиз йилда эришилган натижалар чуқур таҳлил қилиниб, келгусида мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари белгилаб берилди.

2026 йил юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинди. Бу давлат сиёсатининг марказига инсон, унинг кундалик ҳаёти ва жамиятдаги ўрни қўйилаётганини англатади.

Мурожаатномада олтита устувор йўналиш белгиланди. Шулардан бири — иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш. Бугунги кунда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ (ОКМК)да замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш, янги конларни ўзлаштириш ва қувватларни модернизациялаш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар нафақат маҳсулот ҳажмини кенгайтириш, балки юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, энергия самарадорлигини яхшилаш ва ташқи бозорларда рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бизнес ва технологик жараёнларини автоматлаштириш, бошқарув ва операцион соҳани оптималлаштириш доирасида ўтган йилнинг ўзида 20 та лойиҳа ишга туширилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2025 йил 16 сентябрдаги қарори доирасида яна 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб келаётган сунъий интеллект технологиялари комбинатнинг ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам жорий этилмоқда. Хусусан, “Қалмоққир” ва “Ёшлик-1” конларида кон-транспорт бошқарув тизими ишга туширилди. Натижада маълумотларни онлайн жамлаш, қайта ишлаш йўлга қўйилди. “Ёшлик-1” конида “экскаватор-автосамосвал” оператив бошқарув тизими ишга туширилиб, автоматик равишда автосамосваллар экскаваторларга тақсимланмоқда.

Маъдан ўлчамларини, экскаватор ковшининг тишларини назорат қилиш ҳамда ҳайдовчиларнинг чарчоқларини кузатиш сунъий интеллект зиммасига



юкланди. Маъданни бойитиш жараёнида видеотаҳлилга асосланган “Машина кўз назорати” пилот лойиҳаси синовдан ўтмоқда.

Мис бойитиш фабрикасида “маъдан — сув” нисбатларини

> ***Мурожаатномада таъкидланганидек, ОКМКда қиймати 2 млрд. 700 млн. доллар, қуввати 300 минг тонна мис катодидан иборат бўлган янги металлургия мажмуасини барпо этиш ишлари бошланади. Ушбу стратегик лойиҳамиз амалга оширилиши натижасида комбинатда мис ишлаб чиқариш 148,5 минг тоннадан 300 минг тонна қувватгача етади. Янги металлургия мажмуасида “Flash Smelting” ва “Flash Converting” технологиялари асосида ишлайдиган замонавий печлар жорий этилади.***

автоматлаштириш мақсадида назорат ва ўлчов жавонлари ўрнатилди. Флотация жараёнларини автоматлаштириш учун “U-flotation” интеллектуал тизимига ўтилмоқда, у реал вақтда кечинмаларни таҳлил этиб, бошқарув қарорларини қабул қилади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, йўқотиш ва харажатларни камайтиради.

Мис бойитиш фабрикасида қўшимча 3 та концентратор ўрнатилиши туфайли фойдали компонентларни маъдандан ажратиб олиш даражаси 1 — 3 фоизга оширилди. 2-мис бойитиш фабрикасида майдалаш-ювиш участкаси ускуналарининг созланиши натижасида аварияви тўхташлар 30 фоизга камаяди. Мис эритиш заводида автоматлаштирилган ахборот тизими тайёр маҳсулотни юклашни назорат қилади.

Сульфат кислотаси цехининг кислота омбори ва металлургия цехининг майдалаш-шихталаш бўлими назорати автоматлашган диспетчерлик тизими орқали онлайн тарзда олиб борилмоқда. Металлургия цехи печларига юкланувчи шихта таркибининг кимёвий ва экспресс таҳлил натижаларини электрон тарзда тўлдириш йўлга қўйилгани боис қоғозбозлик 50 фоизга қисқартирилди.

Илғор технологияларни жалб этишда халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар билан ҳамкорлик ҳам долзарб. Ҳозирда АҚШ ва Европа мамлакатлари компаниялари билан қўшма лойиҳаларни кенгайтириш, замонавий технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали миллий иқтисодиётни модернизация қилиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Яна бир устувор йўналиш — ички бозорда талабни рағбатлантириш. Президентимиз таъкидлаганидек, қулай бизнес муҳити яратилиши, иш ўринларининг кўпайиши, маҳсулотлар тури ошиши халқимизнинг даромади ва фаровонлиги юксалишига хизмат қилади.

Саноат кооперацияси доирасида ОКМК томонидан Ангрен шаҳридаги Биринчи резина техника заводи, Тошкент шаҳридаги “Apiteks”, Оҳангарондаги “Steel Pipe Company”, Олмалиқ шаҳридаги “Carbon Polymer” ва “Almalyk Quyuv Mexanika Zavodi” каби корхоналар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бу импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш баробарида ички бозорни ривожлантириб, иш ўринлари яратилишига замин бўляпти.

Ишлаб чиқариш занжирларини кенгайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ички бозорда барқарор талаб муҳитини яратиш мумкин. Шу боис олдимизда турган долзарб вазифалардан бири “саноат учбурчаги” дастури доирасидаги ишларни янада жадаллаштириш деб ҳисоблаймиз.

Навбатдаги йўналиш — экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш. Бу йўналиш комбинат учун жуда долзарб. 2025 йилда мис бойитиш фабрикаларида ҳавони чанг, газ ва бошқа саноат чиқиндиларидан тозалашга мўлжалланган аспирация тизимлари тўлиқ реконструкция қилинди. Шунингдек, асосий ва ёрдамчи объектлардаги 30 та тизим мукаммал ва 130 та эскирган вентиляция-аспирация қурилмалари жорий таъмирланди. Натижада уларнинг иш самарадорлиги 99,5 фоизга етказилди.

Мис эритиш заводининг сульфат кислота цехида чиқиндиларни автоматик таҳлил қилиш ва мониторинг юритиш ускуналари ўрнатилиб, республика бўйича ягона тизимга интеграцияланди. Шунингдек, Рух заводида 180 минг тонна қувватга эга янги сульфат кислотаси цехини қуриш якунланмоқда. Цех ишга туширилгач олтингугурт гази атмосферага чиқарилмасдан тўлиқ ушлаб қолинади.

Мурожаатномада таъкидланганидек, ОКМКда қиймати 2 млрд. 700 млн. доллар, қуввати 300 минг тонна мис катодидан иборат бўлган янги металлургия мажмуасини барпо этиш ишлари бошланади. Ушбу стратегик лойиҳамиз амалга оширилиши натижасида комбинатда мис ишлаб чиқариш 148,5 минг тоннадан 300 минг тонна қувватгача етади. Янги металлургия мажмуасида “Flash Smelting” ва “Flash Converting” технологиялари асосида ишлайдиган замонавий печлар жорий этилади. Бу технология туфайли чиқинди олтингугурт гази тўлиқ ушлаб қолинади ва қўшимча маҳсулот — йилига 1,8 млн. тоннагача сульфат кислотаси олишга йўналтирилади.

“Яшил” энергетикага ўтиш бўйича ҳам ОКМКда қатор ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда 80 дан ортиқ майдонларда умумий қуввати 9 мегаватт бўлган қуёш панеллари ишлаб турибди. 2025 йилда уларда 7 млн. киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Мурожаатнома Ўзбекистонда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар муайян барқарор босқичга чиққани, энди эса давлат сиёсати сифат, самарадорлик ва натижага йўналтирилаётганини кўрсатади. Бу ҳужжатни мамлакатни модернизациялаш, иқтисодий ривожланишни ижтимоий масъулият билан уйғунлаштириш ва давлат ҳамда жамият ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим сиёсий баёнот сифатида қабул қилиш мумкин.

**Абдулла ХУРСАНОВ,**
**«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ бошқарув раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# ТЎРТИНЧИ САНОАТ ИНҚИЛОБИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

*Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2026 йилга мўлжалланган 6 та энг муҳим устувор йўналиш белгилаб берилди. Улар орасида иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш масаласи стратегик вазифа сифатида қайд этилди. Ушбу ёндашув депутатлик корпуси томонидан кенг қўллаб-қувватланди.*



Жаҳонда рақобат тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда фақат хомашё экспортига таяниш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаб беролмайди. Президентимиз томонидан 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 млрд. доллардан ошириш мақсади қўйилган экан, буни фақат юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқалигина амалга ошириш мумкин. Шу маънода, иқтисодиётни технологик янгилаш ва инновацияларга таяниш — замон талаби.

Мурожаатномада саноат соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Белгиланган вазифаларнинг уддасидан чиқиш мақсадида 2026 йилда 782 та янги саноат ва инфратузилма лойиҳасига старт берилиши режалаштирилмоқда. Шубҳасиз, мазкур амалий ишлар натижасида ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағал оилалар сонини қисқартириш, солиқ базасини кенгайтириш орқали Давлат бюджети даромадларини ошириш каби муҳим стратегик мақсадларга эришилади.

Шунингдек, саноат тармоқларида сифат жиҳатдан туб ўзгаришларни таъминлаш мақсадида “Унумдорлик ва самарадорликни икки карра ошириш” дастури жорий этилмоқда. Ушбу дастур доирасида меҳнат унумдорлиги ҳамда энергия самарадорлигини кўтаришга қаратилган алоҳида лойиҳа амалга оширилади. Бу, ўз навбатида, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари учун янги молиявий ва технологик имкониятларни очади.

Лойиҳа доирасида хорижий юқори малакали технолог ва муҳандисларни жалб этиш, ишлаб чиқариш ва бизнес жараёнларини рақамлаштириш, энергия ҳамда ресурслар сарфини қисқартиришга қаратилган чуқур технологик ва энергетик аудитларни ўтказиш, илғор технологиялар трансферини уддалаш назарда тутилган. Мазкур чора-тадбирлар мамлакатимиз саноат салоҳиятини ошириб, маҳсулотлар рақобатбардошлигини кучайтириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Мурожаатномада белгиланган яна бир муҳим ташаббус “Тўртинчи саноат инқилоби маркази”га асос солинишидир. Ушбу марказ робототехника, интернет буюмлари, “ақлли фабрика” каби “Industry 4.0” ечимларини саноат корхоналарига тизимли жорий этишга хизмат қилади. Корхоналар янги технологияларни ишлаб чиқаришга йўналтиришдан олдин уларни синовдан ўтказиш имконига эга бўлади. Бу каби илғор ва “smart” ташаббуслар келгусида миллий иқтисодиётимизнинг инновацион ривожланишида муҳим драйвер вазифасини бажариб, саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини тубдан оширади.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, халқаро рейтинглар

> ***Мурожаатномада саноат соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Белгиланган вазифаларнинг уддасидан чиқиш мақсадида 2026 йилда 782 та янги саноат ва инфратузилма лойиҳасига старт берилиши режалаштирилмоқда.***

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигини тасдиқламоқда. “Harvard Growth Lab” томонидан эълон қилинган Иқтисодий мураккаблик индексига кўра, Ўзбекистон сўнгги беш йил ичида 25 поғонага кўтарилиб, 145 мамлакат орасида 80-ўринни эгаллади. Экспорт ҳажмининг йиллик ўртача ўсиши 20,5 фоизни, тайёр маҳсулотлар экспорти эса 21,9 фоизни ташкил этмоқда. Таҳлилларга кўра, мамлакатимиз жаҳон бозорида рақобатбардош устунликка эга бўлган 162 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятига эга.

Шу билан бирга, “Global Innovation Index — 2025” натижаларига кўра, Ўзбекистон мазкур рейтингга киритилган 139 та давлат орасида 79-ўринни эгаллади. Ушбу индекс мамлакатларнинг инновацион салоҳиятини баҳолашга қаратилган бўлиб, тахминан 80 та кўрсаткич асосида инновацияларга кириш омиллари ва натижалари бўйича тузилади. Айни пайтда Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақасидаги 10 та давлат орасида 3-ўринни эгаллагани мамлакатимизда инновацион ривожланишга қаратилган сиёсатнинг самарадорлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Прогнозларга мувофиқ, 2026 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 6,4 фоиз бўлиши кутиляпти. Шу билан бирга, “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, илм-фан ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, илмий лойиҳалар учун 526,3 млрд. сўм, замонавий лабораториялар ташкил этиш учун 106,3 млрд. сўм, ёшлар стартапларини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий венчур капитал тизимини ривожлантириш учун салмоқли маблағлар ажратилиши белгиланган.

Ҳудудларда амалга оширилаётган йирик саноат лойиҳалари мазкур сиёсатнинг амалий натижасидир. Жиззах вилоятида фаолият юритаётган “BYD Uzbekistan Factory”, “ADM Jizzakh” корхоналари, шунингдек, Зомин технопаркида “Midea” бренди остида маиший техника ишлаб чиқариш лойиҳалари иқтисодиётимизнинг технологик янгиланишини таъминламоқда. Иккинчи босқич доирасида хавфсизлик, тиббиёт ва ахборот технологиялари соҳаларида янги ишлаб чиқариш қувватлари шакллантирилмоқда.

Тўртинчи саноат инқилоби шароитида Ўзбекистон тўғри стратегик йўлни танлади. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни тўлиқ амалга оширишда парламент, ижро этувчи органлар, хусусий сектор ва жамоатчиликнинг ҳамжиҳат ҳаракати муҳим аҳамиятга эга. Биз, депутатлар ушбу ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, улар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида бор кучимизни сафарбар этамиз.

**Отабек МУСУРМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# АСОСИЙ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ҳукумат, суд-ҳуқуқ тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, таълим ва илмий ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари қатнашди.*

**Анжуман**

Мажлисда Конституциявий суднинг мамлакатда 2025 йилдаги конституциявий қонунийлик ҳолати тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди. Ахборотда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган норма ва принципларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат ҳокимияти фаолиятида Асосий Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Таъкидланганидек, 2025 йил давомида мамлакатда қонунийлик ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар изчил давом эттирилди. Барча давлат органлари фаолиятида Конституция нормаларига амал қилиш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида конституциявий мезонларга таяниш устувор вазифа сифатида белгиланди.



Ахборотда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, одил судловни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Тергов судьялари институти фаолиятининг кенгайиши инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилгани қайд этилди.

Шунингдек, парламент ва маҳаллий вакиллик органларининг конституциявий мақомини мустаҳкамлаш, қонунлар ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш, давлат органларининг ҳисобдорлигини кучайтириш масалалари ахборотда ўз аксини топди. Фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, жамоатчилик назорати механизмларини ривожлантириш бўйича ҳаётга татбиқ этилган чоралар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Фуқароларнинг эркин ҳаракатланиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқлиликка оид конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Маъмурий ва жиноят-процессуал муносабатларда инсонпарварлик ҳамда мутаносиблик тамойилларига асосланган ёндашув қарор топди.

Ахборотда иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини кафолатлаш, ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиш, уй-жой ҳамда ипотека бозорини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам ёритилди. Шу билан бирга, экологик барқарорликни таъминлаш, "яшил иқтисодиёт" тамойилларини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим йўналиш сифатида айтилди.

Маълум қилинишича, 2025 йил давомида Конституциявий суд томонидан конституциявий назорат тартибида 81 та қонун ва 386 та бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги ўрганилди. Бу конституциявий назорат институтининг мамлакатда қонунийликни таъминлашдаги аҳамияти ошиб бораётганини кўрсатади.

Муҳокама якунларига кўра, мамлакатдаги конституциявий қонунийлик ҳолати тўғрисидаги ахборот тасдиқланди ҳамда уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди.**

# ЙИЛЛАР ОРАЛАБ...



## Бундан 35 йил муқаддам 1 январь куни «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг илк сони чоп этилган эди


Халқ сўзи
КУЗНИНГ ОЧИЛИШИ
1991...
Халқ сўзи
КАТТА ҲАЁТ САРИ ОҚ ЙЎЛ!
ҲОКИМИЯТ КИМНИКИ? БИЗНИКИ!
5.000.000 тонна. Кўпмикан ё озмикан бу?

*Бутун дунёда матбуотга жамиятнинг етакчи кучи сифатида қаралиши сир эмас. Туркистонда мустақил миллий матбуот пайдо бўлган даврдан бошлаб, бу ишнинг бошида турган маърифатпарвар жадид боболаримиз Ватан озодлиги йўлида халқни уйғотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Жадидлар миллий қадриятларимизни сақлаб қолишда, халқни маърифатли қилишда маънавий жасорат кўрсатди.*

*Мустабид тузум уларни шафқатсиз қатағон билан "сийлади". Лекин умид сўнмади. Ватанимиз мустақиллиги эълон қилингач, Ўзбекистон журналистикаси демократик ривожланиш босқичига қадам қўйди. Мамлакат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилди, матбуотда янгича тафаккурга йўл очиб берилди. Ўзбек матбуоти мустақиллик даврида давлат ва жамият ўртасида холис воситачига айланди, миллийлик касб этди. Халқимизни ўзликни англашга ундади, янгидан-янги марраларга руҳлантирди.*

*Бунда, албатта, "Халқ сўзи" газетасининг ҳам ўз ўрни бор. Унинг нишона сони 1990 йил 29 октябрда чоп этилган бўлса, 1991 йилнинг 1 январидан бошлаб республика қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти муассислигида мунтазам нашр қилина бошланди.*

Газета саҳифаларида оддий ишчидан тортиб парламент аъзоларигача ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишига имкон берилди, у халқ минбарига айланди. Газетхонларнинг таклиф-мулоҳазалари, жамиятдаги мавжуд муаммолар очиқ-ойдин ёритилиб бориши ўқувчилар сонининг муттасил ошишига хизмат қилди. "Халқ сўзи" газетаси бошлаб берган янгича йўналишлардаги ижтимоий фикр, ошкора танқид, эмин-эркин мушоҳадалар миллий матбуотимизнинг бошқа нашрларини ҳам дадилликка ундади, уларда ҳам жамиятнинг оғриқлари қаламга олина бошланди. Жамиятда фикрлар хилмахиллиги юзага келди.

Газетанинг бундай халқ орасига кириб боришида нашрнинг биринчи Бош муҳаррири бўлган атоқли ижодкор Аҳмаджон Мухторовнинг хизматларини, албатта, эътироф этиш керак. У билан бирга кўплаб истеъдодли журналистлар йиллар давомида газетамизнинг халқчиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшдилар. Гарчи ўша пайтларда ҳали мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилмаган бўлса-да, "Халқ сўзи" газетаси жамоаси тобора емирилиб бораётган собиқ иттифоқ талвасасини ўз мақолаларида очиқ-ошкора ёритиб борди, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишга даъват қилди. Газета аросатда қолган халқимиз тафаккурини, руҳий дунёсини, миллий шахсиятни табиий ўзанига қайтаришдек олий мақсадни ўз олдига қўйди ва буни уддалади.

Мустақиллик йилларида газета саҳифаларида очиқлик ва ошкоралик сиёсатига кенг ўрин берилди. Чоп этилган таҳлилий мақолаларда юртдошларимиз ҳаётида, жамиятимизда юз бераётган жараёнлар, миллий тикланиш ва бунёдкорлик ишлари ўз ифодасини топди.

Кейинги йилларда "Халқ сўзи" ва "Народное слово"нинг мазмун-мундарижаси бутунлай ўзгариб, мамлакатимизда бошланган тарихий янгиланишларнинг фаол тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. Нашрларимиз аввал ҳам, ҳозир ҳам ўқувчилар меҳрини турли шов-шувлар, олди-қочди материаллар билан эмас, инсонни фикр-мулоҳазага чорлайдиган, унинг маърифатини, маънавий даражасини, эл-юрт тақдирига дахлдорлигини оширадиган таҳлилий, салмоқли мақолаларни чоп этиш орқали қозонишга ҳаракат қилиб келмоқда.



Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

Газеталаримиз саҳифалари орқали депутатлар ва сенаторлар, таниқли сиёсатчилар, зиёлилар, турли соҳа вакиллари, эксперт ва мутахассислар мамлакатимизда иқтисодий ўсишга қандай эришилаётгани, қайси омиллар сиёсий ва ижтимоий барқарорлик кафолати бўлиб хизмат қилаётгани ҳақида ўз таҳлилий ёндашувларини, теран мушоҳадаларини баён этмоқда. Саҳифалардан жой олаётган материаллар одамлар тафаккурини, дунёқарашини, руҳиятини ўзгартиришга, миллий ғururини юксалтиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Таҳририятда ўзига хос журналистика мактаби шаклланган бўлиб, соҳага кириб келаётган ёшлар доимий равишда қўллаб-қувватланмоқда. Газеталар давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотларни ёритиш жараёнида йўлимизда тўсиқ бўлиб турган иллатлар — коррупция, маҳаллийчилик, непотизм кўринишларига қарши мақолаларга кенг ўрин бериб келмоқда. Шу ўринда ижодимизга бефарқ бўлмаётган, газеталаримизни мунтазам ўқиб келаётган муштарийларимизга ўзимизнинг самимий миннатдорлигимизни билдирамиз.

Воқеалар шиддат билан ўзгараётган, қарама-қаршиликлар, ўзаро низолар кучайиб бораётган бугунги нотинч замонда, айниқса, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари миллий контентни бойитиш масаласини кун тартибига қўймоқдаки, бу шу юрт тақдирига ўзини дахлдор билган ҳар бир кишини жонкуярликка ундайди. Халқимиз бир тану бир жон бўлиб, матбуот нашрларини, теле ва радиоканалларни, интернет сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқларни миллий манфаатларимизга жавоб берадиган маълумотлар, ахборотлар, таҳлилий материаллар билан бойитишга ҳисса қўшиши лозим.

Шу маънода, газеталаримиз саҳифаларида олимлар, зиёлилардан тортиб оддий халқ вакилларигача ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга имкон берилган. Чоп этилаётган таҳлилий мақолалар эса ўқувчиларда мустақил Ватанимизни асраб-авайлаш, мамлакат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатиш, ижтимоий-сиёсий билимларини бойитиш, дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Ёшларни дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, доим огоҳ ва ҳушёр яшашга ундамоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда парламентга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида юртимиздаги кенг кўламли янгиланишлар даврида очиқлик сиёсатидан ҳеч қачон ортга қайтмаслигимизни, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш устувор вазифамиз бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Демак, ўз йўлимизда собитлик билан олдинга қараб олға интилаверамиз. Ошкоралик ва сўз эркинлиги давр талабигина эмас, Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг юзи, таянчи ва суянчидир.

Таҳририятимиз жамоаси бундан кейин ҳам давр билан ҳамнафас бўлиб, газеталар саҳифаларида юртимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни мунтазам ёритиб боради, жамиятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқишда давом этади, шу орқали жамоатчилик фикрини уйғотишга ва шакллантиришга ҳисса қўшаверади.

**Таҳририят.**

# ИЖОДКОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

*Таҳририятга ишга келган пайтларимни яхши эслайман. Бу ерга малакали журналистлар таклиф қилинган, улар орасида иқтидорли ва маҳоратли ёшлар кўп эди. Шу боис газета фаолиятини тегишли йўналишга солиш анча осон кечди. Илк сонлариданоқ унинг саҳифаларида долзарб мавзулардаги таҳлилий-танқидий мақолалар кўп ўрин ола бошлади.*

**Дил сўзи**

Мана, 35 йилки газета халқ хизматида. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга етказиб келмоқда. Бу чиқишлар, табиийки, жамоатчилик эътирофига сазовор бўлаётир.

Айниқса, кейинги йилларда мавзуларнинг қамрови кенгайиб, материалларнинг таъсирчанлиги ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ютуқ ва муваффақиятлар бутун ҳаёти ҳамда меҳнат фаолияти ана шу даргоҳ билан чамбарчас боғлиқ бўлган мендек инсон учун ниҳоятда қувончлидир. Мен олдиларига қўйилган юксак вазифаларни адо этишда "Халқ сўзи" жамоаси ижодий изланишдан асло тўхтамаслигига ишонаман.

**Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ,**
**фахрий журналист.**

# ҲАМ КАСБИЙ, ҲАМ ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА ОРТТИРДИМ

*Журналистлик фаолиятимнинг асосий қисми "Халқ сўзи" газетаси таҳририятида ўтди. Ўтган йиллар давомида бу нашр менинг ҳаётимга, тақдиримга айланди. Кўплаб устозлар билан бир сафда ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Бу ерда ўзбек журналистикаси дарғаларидан ҳам касбий, ҳам ҳаётий сабоқлар олдим. Ва асосийси, устозлардан сўз қудратини ҳис қилишни ўргандим.*

**Ифтихор**

Ҳар бир журналистга муштарийларнинг "Мақолангизни ўқидим, раҳмат" ёки "Таҳририят аралашуви сабаб муаммо ижобий ечим топди", деган миннатдорлик сўзларини эшитиш ўз касбидан фахрланиш туйғусини бахш этади, уни янги ижодий ишларга рағбатлантиради. Шу маънода айтсам, мен мазкур касбни танлаб адашмадим. "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталаридаги ҳар бир ходим — у хоҳ ёш бўлсин, хоҳ тажрибали журналист, қайсидир маънода мен учун устоз.

Газета ҳар куни чоп этилади. Устозларимиздан бирининг таъбири билан айтганда, мана шу "Бир кунлик мўъжиза" тараққиёт сари қўйилаётган ҳар бир қадамни, жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида юксалиб бораётган ўрни ва мавқеини акс эттиради. Оддий қаламкаш сифатида ана шу улкан тарихий жараёнларда иштирок этаётганимдан бахтиёрман.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН НЕЪМАТ

## Ундан оқилона фойдаланиш зиммамиздаги энг муҳим вазифадир

*Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ҳаётимизнинг барча жабҳалари қатори сув ресурслари билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунки бугун обиҳаёт тақчиллиги дунё миқёсида глобал муаммога айланмоқда. Кўплаб давлатларда бу ҳаётий эҳтиёж давлат сиёсати даражасига кўтарилган.*

**Муносабат**

Ўзбекистонда ҳам сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ва аҳолини ушбу бебаҳо неъмат билан барқарор таъминлашга жиддий эътибор қаратиляпти. Унинг исрофига йўл қўймаслик, сувдан фойдаланиш маданиятини ошириш, сув таъминотини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриляпти. Биргина 2025 йилда 2 млн. 300 мингга яқин аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. 867 та "оғир" маҳалладаги 470 мингта хонадонда яшовчиларнинг томорқаларига илк бор сув етиб борди. Бу хайрли иш аҳолининг томорқадан олинаётган даромадини ва турмуш даражасини оширишга туртки берди.

Президентимиз Мурожаатномада "Дунёда сув танқислиги муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис ислоҳотларимизнинг илк кунлариданоқ сувдан оқилона фойдаланишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик" дея алоҳида таъкидлар экан, соҳада амалга ошириладиган ишлар, хусусан, тежамкор усул ва технологияларни фаол қўллаш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, сув иншоотларини модернизация қилиш, суғориш тадбирлари бўйича келгуси уч йил учун қиймати 5,5 млрд. долларлик Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқланди.

Дастур доирасида сувни тежайдиган технологиялар қамрови 61 фоизга ёки 2,6 млн. гектарга етказилди. Шундан 604,4 минг гектарда томчилатиб, 122,1 минг гектарда ёмғирлатиб, 73,6 минг гектарда дискрет суғориш технологиялари жорий қилинди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Президентимиз Мурожаатномада таъкидлаганидек, 2026 йилда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш тадбирларига жами 3,3 трлн. сўм йўналтирилади. Ана шу маблағлар эвазига кейинги уч йилда сув тежовчи технологиялар қўлланган майдонлар 3,5 млн. гектардан ошади. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳар йили 2,5 млрд. куб метр сув ресурслари тежалади. Бу омилкорлик ва унинг ортидан келадиган самарадорлик мамлакат иқтисодиётига нечоғли улкан наф келтиришини тасаввурга сиғдириш осон эмас.

Жорий йилда 1,3 минг км. йирик магистраль каналлар бетон билан қопланиши, бунинг учун бюджетдан 3 трлн. сўм сарфланиши, қўшимча равишда йилига 500 млн. куб метр сув иқтисод қилинишига ҳам Мурожаатномада алоҳида урғу берилди. Тез орада жойлардаги очиқ дренаж ва коллекторларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

> ***Давлатимиз раҳбарининг қарори билан сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, сув иншоотларини модернизация қилиш, суғориш тадбирлари бўйича келгуси уч йил учун қиймати 5,5 млрд. долларлик Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқланди.***

Эътиборлиси, каналларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича ҳам катта лойиҳалар бошланади. Президентимиз ушбу мақсадларга дастлабки босқич доирасида бу йил 100 млн. доллар ажратилишини, Қашқадарёдаги "Пахтаобод" каналини босимли қувурга ўтказиш лойиҳаси бу борадаги биринчи қадам бўлишини таъкидлади.

Ҳеч кимга сир эмас, бугун экологик муаммолар, ҳавонинг ифлосланиши пойтахт қатори вилоят марказлари ва шаҳарларни қамраб олмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Мурожаатномадан бу ҳаётий муаммолар ечими ҳам ўрин олган. Яшил ҳудудларни кўпайтириш, суғориш, дренаж тизимларини қайта тиклаш мақсадида Тошкент шаҳрида 150 км. ёпиқ дренаж тизими барпо этилади, 197 км. канал ва коллекторлар таъмирланади, 63 км. янги каналлар барпо қилиниб, шаҳарда салқин микроиқлим яратилади. Шу йўналишдаги ишлар учун 166 млн. доллар маблағ йўналтирилади.



Бугун рақамлаштиришга асосланган сунъий интеллект тамойиллари ҳаётимизнинг барча жабҳасига жадаллик билан кириб бормоқда. Бу — тизимли ишлаш, аниқлик, ўнғайлик ва тезкорлик, демак. Республика чегарасида олинаётган сув миқдорини реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи камида 300 та, туманлар чегарасида камида 1 895 та рақамли сув ўлчаш қурилмасини ўрнатиш, 2 952 та мелиоратив кузатув қудуғини автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказиш 2026 йилдаги энг муҳим вазифалардан. Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги насос станцияларнинг 50 фоизи хусусий шерикликка берилади. Бунда "бир насос — бир тизим" тамойили асосида Чортоқ тажрибаси кенг жорий қилинади.

Президентимиз Мурожаатномасида замонавий билимларга таянган етук мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда халқаро ҳамкорликни кучайтириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган. Шундан келиб чиқиб, "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети базасида Сув хўжалиги соҳасида компетенциялар минтақавий марказини ташкил этиш, 2026 йилнинг май ойида Ўзбекистонда Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Албатта, жорий йилда ҳам кўп жиҳатдан ўзаро чамбарчас боғланган қўшниларимиз билан стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлаймиз, трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда, оқилона фойдаланишни янги босқичга кўтарамиз. Давлатимиз раҳбари томонидан сув ресурслари бўйича илгари сурилган ташаббуслар, рўёбга чиқарилаётган йирик лойиҳалар нафақат юртимиз, балки Марказий Осиё минтақаси халқлари фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Шавкат ҲАМРОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири.**

# 2025 – ҚУВОНЧ ВА ҲАЯЖОНЛАРГА, МУВАФФАҚИЯТ ВА ЗАФАРЛАРГА БОЙ ЙИЛ



***Ўтаётган ҳар йил — тарих китобининг зарҳал саҳифаси. Бугун халқимиз ана шу шонли китобнинг 2025 йил учун аталган зарварақларини ёпиб, 2026 йилдаги янги саҳифаларини безаш, янги мазмун билан бойитишдек улкан бахтга мушарраф бўлиб турибди.***

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ўтган йилга назар ташлар экан, қанчалик оғир бўлмасин, бошлаган демократик ислоҳотларимизни қатъий давом эттирганимиз, халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ва ёшларимизнинг ғайрат-шижоати, ҳамжиҳатлик асоси бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтирганимиз, одамларимизнинг онги ва дунёқарашини ўзгартириб, эл-юртимизни янада жипслаштирганимиз, тадбиркор, деҳқон ва фермерларимизнинг ташаббускорлиги ва мардона меҳнати, ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган дўстона ташқи сиёсатимиз ҳисобига 2025 йилда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришганимизни таъкидлади.***

***Ҳақиқатан ҳам, ўтган йил Янги Ўзбекистон учун қувончларга, зафарларга бой бўлди. Ушбу даврни яхлит полотно сифатида кўз олдимизга келтирсак, ундаги манзаралар — инсон қадрини улуғлашга қаратилган бетимсол ишлар, улкан бунёдкорликлар, Ватанимизнинг дунё саҳнида ўз ўрнига эга бўлиб бораётгани нигоҳларимиз олдида ёрқин бўёқлар билан намоён бўлади.***

***Мазкур ислоҳотларнинг иштирокчилари эртаю кеч изланишдан тўхтамай, жонкуярлик, матонат кўрсатиб меҳнат қилаётган инсонлар, шаксизки, бугунги дориламон кунларнинг, нурли келажакнинг бунёдкорларидир.***

***Қуйидаги ана шу қайноқ жараёнларнинг заҳматкашлари, фидойилари бўлган айрим юртдошларимизнинг дил сўзлари, фикр-мулоҳазалари газетхонларга тақдим этилмоқда.***

## Оила осойишталигидан ортиқ бахт йўқ



**Илёсбек НЎЪМОНОВ, тадбиркор (Фарғона тумани):**

— Фарғона туманининг "Боймаҳалла" МФЙда ҳар бир оила қатори биз ҳам тинчлик, фаровонлик неъматларидан баҳраманд бўлиб яшамоқдамиз. Ўтган йилда ҳаёт бизнинг оиладан энг тотли неъматларини аямади. Боиси тадбиркор сифатида Хитой ва Япония инвесторлари билан ҳамкорликда қуёш панеллари ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш соҳасида қувонарли ютуқларга эришдик. 10 та доимий ҳамда 30 та мавсумий иш ўрни яратиб, давлатимиз ғазнасига салкам 500 миллион сўм солиқ тўлаганимиздан тадбиркор сифатида беҳад мамнунман.

Шунингдек, инновация сифатида тадбиркорлик субъектларига муқобил иситиш станциялари ўрнатиб беришни йўлга қўйдик. Янги технология энергия тежамкор бўлиб, табиат ва экологияга умуман зарар етказмайди. Давлатимиз раҳбарининг яқинда Японияга амалга оширган ташрифи самараси сифатида Кунчиқар юрт тадбиркорлари билан бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олинди.

2025 йилда оиламиз Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан ўтказилган кўрик-танловнинг "Энг яхши хонадон" номинациясида туман, вилоят босқичи ғолиби бўлди ва республика босқичида иштирок этди. Мамлакатимиздаги олти миллиондан зиёд хонадонлар ўртасида ғолиблик учун асосий даъвогар бўлганимиз ортда қолган йилнинг энг унутилмас воқеаларидан бири бўлди, дейиш мумкин.

Мактабда ўқиётган икки қизимиз — Хонзодабегим ва Маржона инглиз, рус ва корейс тилларини ўрганиш бўйича қувонарли ютуқларга эришишди. Тўрт ёшли кенжатойимиз Муҳаммадшоҳ замонавий боғчага қатнаб, бир неча тилларда сўзлашишни ўрганмоқда.

Инсонга оила осойишталигидан ортиқ бахт йўқ. Шу маънода, янги йилда юртимиздаги ҳар бир оиланинг бахти тўкис бўлишига тилакдошмиз.

## Ўтаётган вақт бесамар кетмади



**Рашида КИРИЧЕНКО, «Андижон сув таъминоти» АЖ ходими, «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони соҳиби:**

— Сув таъминоти корхонасида 54 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган оддий аёлман. Янги иш бошлаган кезларим дунёга келган фарзандлар бугун кексалик гашти сари қадам ташлади. Шу боис дилбандларим: "Она, ишлаб нима қиласиз? Сизга нима етишмаяпти ўзи?" дейди. Мен эса: "Ҳозир ҳамма нарсам етарли, бироқ ишдан бўшаган куним ҳаммасидан — жамоамдан, жамиятдаги фаол иштирокимдан, эл-юрт йўлидаги фидокорона хизматларимдан айриламан", дейман. Токи танда кучим бор экан, ишлашим, менга олтин бешик бўлган Ватанга, бошимни силаб вояга етказган халқимга хизмат қилишим керак.

Бир неча кун аввал давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасини тинглаб, кучимга куч қўшилди. Президентимиз ўз нутқида ўтган йил юртимиздаги 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик суви кириб борганини таъкидлади. Бу каби хайрли ишда менинг ҳам камтарона хизматим борлигидан фахрланаман. Зеро, ортда қолган йилда жамоамиз билан астойдил меҳнат қилдик. Натижада Андижон вилоятида 8 минг нафар аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви таъминотига уланган бўлса, 12 минг нафар истеъмолчига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Ҳудуднинг марказий сув тармоғига уланиш даражаси эса 92,1 фоизга етказилди. Бу мамлакат миқёсида Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўрин эканини инобатга олсак, меҳнатларимиз самараси яққол намоён бўлади. Бу рақамларни санашдан мақсад ортда қолган йилимиз биз учун бесамар кетмаганини айтиш, холос.

## Қалбларни иситган «Гулханий тоға»



**Шамсиддин ОМОНОВ, Наманган тумани тиббиёт бирлашмаси марказий иситиш қозонхонаси оператори:**

— Ҳайдовчиликдан нафақага чиққандан кейин кўнглим тинчроқ жойни кўзлаб қолди. Ўзим узоқ вақт меҳнат қилган ва қадрдон бўлиб қолган тиббиёт бирлашмасидаги иситиш қозонхонасига ўт ёқувчи бўлиб ишга кирдим. Бир қарашда кимгадир бу юмуш "қора ишдай" туюлади. Назар-писанд қилмайдиганлар ҳам бор. Аммо мен унга тезда кўникиб кетдим. Аслида, меҳнатим бошқалар ўйлагандек оғир эмас. Оловни "ақлли" қозонларга қалаймиз, кўмирни вақти-вақти билан ташлаб турсак, бас, автомат созлагич зарур ҳароратни меъёрида ушлайди.

Бу ерга келганимга саккиз йилдан ошди. Атрофдагилар меҳнатимни қадрлайди. Яқинларим эса менга суйиб "Гулханий тоға" деб мурожаат қилади, бу жуда ёқимли.

Аслида, касб-ҳунарнинг яхши-ёмони бўлмайди. Муҳими, жамиятга нафинг тегсинда! Тўрт ойлик иситиш мавсумида тиббиёт бирлашмасига қарашли ўндан ортиқ бўлимларнинг хоналарида зарур ҳароратни таъминлайдиган 9 та қозонхонани юритамиз. Бунинг учун шерикларим билан ҳар куни 2,5-3 тонна атрофида кўмирни ўтхонага ташлашимиз зарур. Ишимизнинг уддасидан чиқаётганимиз учун барча хоналар бирдек иссиқ. Гарчи, ҳар уч кунда ишга чиқсам-да, кўпинча байрам кунларига тўғри келади.

Янги йил арафасида ҳам ишга чиқдим. Тун яқинлашган паллада икки неварам тугунчада кечки овқат билан кириб келди. Энди дастурхон ёзган эдимки, хона эшиги яна тақиллади. Очсам, бош шифокоримизнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Сайфиддин Жўраев. Қўлида каттагина халтача.

"Шифохонани айланиб чиқдим, ҳаммаси жойида, Гулханий тоға, — деди у. — Мана бу эса невараларингизга байрамлик".

Кутилмаган туҳфадан дилбандларимнинг юзларига табассум югурди.

## Тадбиркор — обод турмуш бунёдкори



**Гулмира ВОҲИДОВА (Шофиркон тумани):**

— Турмуш ўртоғим Жумабой Санокулов уч йил чет элда ишлади. Биласиз, мусофирликнинг нони қаттиқ. Бу йиллар давомида унга ҳам, оиламиздагиларга ҳам осон бўлгани йўқ. Шундай кунларнинг бирида қишлоққа қайтдию юртимиздаги ўзгаришларни кўриб, тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилди. Кўп ўтмай девор тўсинлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган оилавий корхона ташкил этди. Бунда бизга "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилгани айни муддао бўлди.

Бугунги кунда ўнга яқин ишчиларимиз бор. Аксарияти хорижда ишлаб қайтган йигитлар. Барчаси дурустгина маош олмоқда. Энди муҳожирлик давридаги қийинчиликлар уларга буткул ёт. Ўзим ҳам қараб турганим йўқ. Махсус технология асосида симларни тўқиш билан шуғулланаман. Бу тўсинларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Тадбиркорлик ортидан ҳаётимиз яхши томонга ўзгарди. Фарзандларимиз эртасидан кўнглимиз тўқ. Шукронамизнинг эса чеки йўқ — яқин-яқингача рўзғор тебратаман, деб ўзга юртларда сарсон бўлган, не-не қийинчиликларни бошидан кечирган турмуш ўртоғим ҳам мусофирликда кўрган уқубатлар ортда қолгани рост бўлсин, деб дуоларида такрор айтади.

Камтарона меҳнатимиз билан биз ҳам мамлакатнинг илғор кишилари сафида эканимиздан фахрланиб, жорий йилда оилавий корхонамиз фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ниятидамиз. Янги 2026 йилни ана шундай эзгу ниятлар билан кутиб олдик.

## Умримнинг унутилмас онлари



**Комилжон АВАЗОВ, Республика тез тиббий ёрдам марказининг Шаҳрисабз тумани бўлими ҳайдовчиси, «Дўстлик» ордени соҳиби:**

— "УАЗ" русумли "Тез ёрдам" машинасини бошқараман. Чунки бизнинг тоғли қишлоқларида оддий автомобилларда ҳаракатланиш қийин.

Касбим ортидан уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказдим. Кўпинча ишда бўламан. Оилавий тадбирларга кела олмаган, ҳатто Янги йил байрамини йўлда кутиб олган вақтлар кўп бўлади. Ишим оддий ҳайдовчилик бўлса-да, жуда масъулиятли. Шифокорларнинг чақирувга тез ва яхши кайфиятда етиб бориши, беморга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши кўп жиҳатдан ҳайдовчига боғлиқ. Бир кишига ўз вақтида ёрдам бера олсангиз, қанчалик кўнглингиз кўтарилади?! Биз эса ҳар куни ўнлаб инсонларга ёрдам кўрсатамиз. Саъй-ҳаракатларимиз эвазига кимларнингдир ҳаётини сақлаб қоламиз. Шу боис касбимни қадрлайман, ишимдан ғурур туяман.

2025 йил ҳаётимдаги энг унутилмас йил бўлиб қолди. Боиси Президентимизнинг 2025 йил 9 ноябрдаги Фармонига мувофиқ "Дўстлик" ордени билан тақдирландим. Тўғриси, оддий бир ҳайдовчининг бундай юксак мукофотга сазовор бўлишини ўзим ҳам кутмагандим. Шунинг учун ҳам мукофотланганим ҳақидаги хабарни эшитиш жуда ҳаяжонли бўлди. Айниқса, оилам, фарзандларимнинг қувончини сўз билан таърифлаб бера олмайман. Бу юксак мукофот менга янада шижоат ва масъулият бағишлади. Бундай ишончни, эътиборни меҳнатим билан оқлайман.

## Байрамни янги уйда кутиб олдик



**Малика АВЕЗБАЕВА, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси (Бўзатов тумани):**

— Ҳаётнинг энг оғир синовларини жуда эрта бошдан кечирдим. Яъни 3 ёшимда ота-онамдан айрилдим. Болалик вақтим ота-она меҳри, илиқлиги билан эмас, йўқчилик, соғинч ва қийинчиликлар билан ўтди.

Кечалари ўз-ўзимга савол берардим: нега менда бошқалар сингари ўз уйим, ота-онам қучоғидаги болалигим бўлмади?! Лекин бу оғир дамлар мени руҳан синдиролмади. Аксинча, мени кучли бўлишга ўргатди.

Ёшлигимдан орзуим: ўз уйимга эга бўлиш, мактабда ўқиб, билимли инсонга айланиш, оилам билан тинч, бахтли ҳаёт кечириш эди. Узоқ йиллар давомида бу орзулар жуда олисда, худди ушалмас армондек туюларди...

Бироқ 2025 йил ҳаётимда ўша орзуларимга эришадиган йил бўлди. Президентимизнинг инсонпарварликка асосланган сиёсати, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор натижасида менга Бўзатов тумани марказидаги кўп қаватли тураржойлардан 2 хонали уй берилди. Шунингдек, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига имтиёзли — давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Инсон қадри учун" тамойили менинг ҳаётим мисолида яна бир бор намоён бўлди. Болалигимда етмаган меҳр ва ишончни бугун давлат ғамхўрлиги орқали ҳис қиляпман. Бу менга янада яхши ўқиб, эл-юртга фойдаси тегадиган, билимли ва масъулиятли мутахассис бўлиб етишишимга куч беради.

## Эътибор ғалабага ундайди



**Баҳриддин ХОЛБЎТАЕВ, Ёшлар Параосиё ўйинлари ғолиби (Сурхондарё вилояти):**

— Баъзан бир ғалаба минглаб қалбларга умид бағишлайди. Айниқса, бу ғалаба Президент эътибори, ишонч ва қўллаб-қувватлашининг самараси бўлса, унинг қадри янада баланд бўлади. 7 — 14 декабрь кунлари Дубайда бўлиб ўтган V Параосиё ўйинлари ана шундай ғурурли ва унутилмас тарихга айланди.

Мусобақада Ўзбекистон ёш параспортчилари юксак натижаларга эришди — 99 та олтин, 57 та кумуш, 41 та бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида Осиё қитъасида 1-ўринни эгаллади. Бу — юртимизда параспортга берилаётган юксак эътиборнинг яққол ифодаси.

Қизириқ туманидаги Қишлоқозон маҳалласида вояга етдим. Ҳозирда Қишлоқ хўжалиги политехникуми ўқувчисиман. Катта спортга 2023 йилда қадам қўйдим. Шу қисқа фурсатда мамлакат чемпионатида ғолиб бўлиш, кейин эса илк халқаро мусобақада қатнашиш насиб этди. Дубай аренаси мен учун нафақат халқаро синов, балки ирода, сабр ва ишончимни чархлаган мактаб бўлди. Пара пауэрлифтинг бўйича 54 килограмм вазн тоифасида Осиё ва жаҳон рекордини янгиладим. Бу натижа ортида мақсад ва матонат билан бирга, энг муҳими, қўллаб-қувватлаш бор.

"Тошкент-Ҳумо" халқаро аэропортидаги тантанали кутиб олиш маросими, Президентимизнинг оталарча меҳри биз, ёш спортчилар учун катта рағбат бўлди. Маҳалламдаги одамларнинг "ана чемпион", "ана рекордчи" дея фахр билан кутиб олиши эса янада кўпроқ ғалабаларга ундамоқда. Янги йилда ҳам халқимизга янгидан-янги ютуқларни тортиқ қиламиз, деган умиддаман.

## Отамнинг орзуси амалга ошди



**Жасмина ТУРСУНАЛИЕВА, Пенсильвания университети талабаси, «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиати (Сирдарё вилояти):**

— Оқолтин туманидаги оддий оила фарзандиман. Онам туманимиздаги ошхоналардан бирида ошпаз бўлиб ишлайди. Дадам оғир хасталикдан сўнг бундан уч йил аввал вафот этди. Мурғаккина юрагим бу улкан жудоликка кўнди, тезда ўзимни қўлга олдим ва отамнинг орзусини амалга оширишни олий мақсадга айлантирдим. У киши "Жасмина қизим келажакда зўр мутахассис — дипломат, сиёсатшунос бўлади", деб ният қиларди.

Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабига қадам қўйганимда ўзимни янгидан кашф этдим. Мактабдаги барча муаллимларим ҳаётда ўз йўлимни топишда йўл-йўриқ кўрсатди. "IELTS", "SAT" сертификатлари ва бир неча хорижий университетлардан қабул хатларини қўлга киритишим эса ўқиб-ўрганишларим ҳамда устозларим меҳнатининг натижаси бўлди. Мен олий таълим олиш учун АҚШнинг Пенсильвания университетини танладим. У дунёдаги "ТОП — 100"таликка кирувчи университетлардан бири. Ишончим комилки, мен у ерда дунёқарашимни ошириш ва инновацион ғояларни Ватанимизга олиб кириш учун кўплаб имкониятларга эга бўламан. Қолаверса, ўқиш давомида миллий қадриятларимизни, бетакрор анъаналаримизни тарғиб қиламан.

Шуни мамнуният билан айтаманки, якунланган йилда ҳаёт дафтарим яна бир унутилмас саҳифа билан бойиди. Яъни давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифидаги йиғилишда сўзга чиқдим. Янги Ўзбекистонда яратилган чексиз имкониятлардан самарали фойдаланаётган ёшлардан бири эканимни, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ҳаётимда катта бурилиш ясагани, халқаро форумлар ва танловларда қатнашиб, сертификатларни қўлга киритганим ҳақида гапирдим. Пенсильвания университетига қабул қилинганимни ва "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиати бўлганимни чексиз миннатдорлик ва фахр-ифтихор билан маълум қилдим.

## Хурсандчиликларни санасам, бармоқларим етмайди



**Ҳусанбой ҒАФУРОВ (Олтиариқ тумани):**

— Томорқасида 30 га яқин навларни парваришлаб, ишкомлар остида интенсив усулда олма, шафтоли, олхўри, гилос, ўрикдан ҳам мўл ҳосил етиштирамиз. Ҳозирги кунда хориждан олиб келинган данаксиз ва серҳосил 10 га яқин узум навлари бўйича илмий-амалий тажрибаларимиз давом этмоқда.

Узумни ишкомдан узмай ва хонадондаги омборхонада табиий усулда кейинги йил ҳосили пишгунча сақлаймиз. Бу тажриба мамлакат миқёсида оммалашмоқда, ҳовлимизга юртимизнинг барча вилоятлари ва ҳатто узоқ-яқин хориждан ҳам шу соҳага қизиққан миришкорлар, сайёҳлар келиб туради.

Ўтган йилда оиламиз учун эсда қоларли хурсандчиликларни санасам, бармоқларим етмайди. Ўғлим Ҳусанбой ва набирам Абдулазиз олий таълимни тамомлаган бўлса, икки набирам — Ҳусанбой ва Сарвиноз университетга ўқишга кирди. Набираларим Абдулбоқий ва Абдуллоҳ пойтахтимизда ўтказилган спорт мусобақаларида ғолиб бўлиб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Қувонарлиси, Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни арафасида давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирландим. Бу узумчилик соҳасидаги 50 йиллик меҳнатимнинг юксак эътирофидир.

Яқинда Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасини тинглаб, беш нафар фарзанднинг отаси ва ўнлаб набиралар бобоси сифатида юртимизнинг эртанги кун истиқболидан янада қувондим. Ишонамизки, жонажон Ўзбекистон учун Янги йил янада баракали бўлади.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6